



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 229 (12.540)

Баҳоси эркин нарҳда

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ — КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОСИЁ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ФОРУМИНИНГ ОЛТИНЧИ ЙИГИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимизни, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий давлатлар ҳукуматлари раҳбарлари, йирик агентлик ва компаниялар, тадқиқот марказлари вакиллари, мутахассис ва экспертлари — Форумнинг мазкур йиғилишида қатнашаётган барча иштирокчиларни Тошкент шаҳрида қабул қилиш ва кутлаш, ҳаммагизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимизни билдириш биз учун катта шарафдир.

Мен Осиё тараққиёт банки президенти Тахехико Накао жанобларига Форум йиғилишида шахсан иштирок этаётгани, «Қуёш энергияси бўйича Осиё ташаббуси»ни ҳаётга татбиқ этишга қўшаётган улкан ҳиссаси, Осиё тараққиёт банки ва унинг тузилмалари томонидан қуёш энергетикасидан фойдаланиш ва уни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш соҳасида кўрсатилаётган бекиёс ёрдам учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Форум мажлисида иштирок этаётган Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), Исломо тараққиёт банки ва бошқа халқаро марказлар ва тузилмалар вакиллари, мазкур анжуманга катта қизиқиш билдирган барча меҳмонларимизга самимий ташаккур изҳор этаман.

«Қуёш энергияси технологияларини ривожлантириш тенденциялари ва истикболлари» мавзусидаги мазкур йиғилиш учун тақдир этилган кун тартибидан, биринчи навбатда, «Қуёш энергетикаси учун ускуналар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш ва Осиё ускуналар бозорини кенгайтириш истикболлари» каби масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш, ҳеч шубҳасиз, ғоят долзарб аҳамиятга эга бўлиб, қўллаб-даватлар ва минтақаларда катта амалий қизиқиш уйғотади.

Маълумки, цивилизациялар тарихида энг самарали энергия манбаларини топиш доимо алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келган. Биринчи навбатда, электр ва иссиқлик энергиясининг асосий хомашёси бўлган углеводород заҳираларини ўзлаштириш учун сўнгги ўн йилликда улкан миқдордаги инвестиция маблағлари йўналтирилди ва йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда энергия ресурслари манбалари, нефть ва газ заҳираларига эга бўлиш ҳечқис даромад олиш ва халқаро майдонда ўзининг мавқеи ва таъсирини оширишда алоҳида аҳамият касб этганидан энг муҳим омиллардан бири экани ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги пайтда углеводород хомашёсини қазиб олиш борасида юз берган, «сланец инқилоби» деб аталаётган янги босқич эртага баъзи қитъалар, мамлакат ва ҳудудларнинг энергетика бозоридаги ҳамда жаҳон майдонидаги қўлларнинг геосиёсий жойлашувидаги ўрни ва ролини ўзгартирадиган жиддий омилга айланиши мумкинлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади, деб ўйлайман.

Бироқ бундай ўзгаришлар қайта тикланадиган энергия манбаларига, биринчи навбатда, дунёдаги энг соф қуёш энергиясидан фойдаланишга бўлган, йилдан-йилга ортиб бораётган қизиқиш ва эҳтиёжни ҳеч қачон қўйишга олмайд.

Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги фактга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, дунёда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ўртача 3,4 фоизни ташкил этаётган бир пайтда, қайта тикланадиган энергия манбаларининг энг истикболли таркибий қисми бўлган қуёш энергияси кейинги беш йил давомида ҳар йили мисли қўрилмаган суръатларда, яъни 60 фоизга ошмоқда.

Ана шу 5 йил мобайнида қуёш энергетикаси соҳасига йўналтирилган ялпи инвестициялар ҳажми 520 миллиард долларни, жумладан, фақат 2012 йилнинг ўзида 143 миллиард долларни ташкил этди.

Қуёш станциялари томонидан 2012 йилда ишлаб чиқарилган жами электр энергияси 113 миллиард киловатт-соатни, жумладан, фотоэлектр станциялар бўйича 110 миллиард киловатт-соатни ташкил этди.

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, дунёда муқо-

бил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини излаб топиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, хусусан, электр ва иссиқлик энергияси олиш учун қуёш энергиясидан фойдаланишга бўлган қизиқишнинг жадал ўсиб боришига олиб келаётган сабаблар кўп.

Биринчи навбатда, бу жаҳон иқтисодиётида энергияга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бораётгани билан боғлиқ. Яна бир сабаби шундаки, анъанавий углеводород хомашёси бўлмиш нефть ва газнинг янги манбаларини ўзлаштириш тобора қийинлашиб бораётгани ва шу билан бирга, уларнинг заҳиралари камайиб кетаётгани халқаро ҳамжамиятда ташвиш уйғотмоқда.

Аммо шу борада ҳеч қачон эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган шундай муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, қазиб олинаётган ёқилғидан фойдаланиш мисли қўрилмаган даражада кенгайиб бораётгани атроф-муҳитга сезиларли даражада зарар етказаётгани, аҳолининг саломатлиги ва ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани ва келажақда глобал миқёсда барқарор ривожланишга ҳавф солаётгани билан боғлиқ.

Юзага келган вазиятдан чиқиш йўлларида бири, бу, **аввало**, қайта тикланадиган энергиянинг энг самарали ва истикболли манбаи сифатида қуёш энергетикасини ривожлантириш лойиҳаларига инвестиция йўналтириш-ни янада қўлайитиришдан иборат.

Иккинчидан, муаммони ҳал этишда илмий ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳар томонлама жадал ривожлантириш ва шунингдек, қуёш электр энергияси ишлаб чиқарувчилар ва унинг истеъмолчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

Учинчидан, бу борадаги яна бир имконият углеводород хомашёсидан фойдаланишга асосланган анъанавий энергетика тизимига нисбатан қуёш энергетикаси рақобатдошлигини таъминлаш билан боғлиқ.

Агар 2008 йилда бир киловатт-соат қуёш электр энергиясини ишлаб чиқариш 35 цент даражасида бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам, экспертларнинг маълумотларига кўра, ўртача 11-12 центни ташкил этаётгани, Хитой ва Ҳиндистон каби айрим мамлакатларда эса барпо этилаётган фотоэлектр станцияларда бир киловатт-соат электр энергияси танларини 8-9 центга қадар тушириш вазифаси қўйилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу мақсадга эришиш мумкин экани аён бўлади.

Бошқача айтганда, баъзи мамлакатлардаги фотоэлектр станцияларда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси, унга нисбатан анъанавий имтиёз ва преференциялар қўлланмаётган бўлса-да, углеводород хомашёсини ёқиш ҳисобидан олинадиган электр энергияси билан рақобатлаша олади.

Яна бир масала. Вақти-вақти билан тақдорланаётган глобал иқтисодий инқирозлар сабабларини таҳлил қилиш асосида хулоса чиқарган айрим олимларнинг фикр-мулоҳазаларида муайян мантик мавжуд. Яъни, ҳалокатли инқироздан чиқиш йўлини топиш жаҳон ҳамжамиятини замонавий технологияларнинг принциплал жиҳатдан янги авлодини ўзлаштиришга, бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг янада жадал ва тежамкор ўсиш суръатларини таъминлайдиган илмий-техник тараққиётнинг янги босқичига олиб келади.

Шу муносабат билан қуйидаги хулосага келиш қийин эмас. 2008 йилда бошланган ва ҳамон давом этаётган глобал инқироздан чиқиш кўп жиҳатдан бизнинг биринчи навбатда энергетика соҳасида технологик тараққиётнинг янги босқичига қанчалик тез ўтишимизга боғлиқ.

Бу ўринда сўз бугунги кунда ривожланаётган давлатлар иқтисодиётини қайта тиклашга тўққинлик қилаётган асосий сабаблардан бири — анъанавий энергия ресурслари, авваламбор, нефть нарҳининг асоссиз равишда юқори бўлиб қолаётгани ҳақида бормоқда. Иқтисодий жиҳатдан самарали фотоэлектр энергияси манбаларини оммавий равишда жорий этиш истикболда нефть нарҳини оптималлаштириш имконини беради. Бу эса ўзининг келган ва ботиб олиш учун сарфлашга мавжбур бўлаётган ривожланаётган мамлакатларни жадал

тараққиёт эътириш борасида рағбатлантирувчи восита бўлади. **Шундай экан, қуёш энергетикаси инқироздан чиқишда локомотив вазифасини бажарадиган омиллардан бири бўлиши мумкин ва зарур.**

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!
Ўзбекистонда энергетика мақсадлари учун қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва бу жараёнларнинг қўламини ва амалий йўналишларини кенгайтиришни тақозо этадиган омилларга қисқача тўхталиб ўтишга ихозат бергайсиз.

Бу, биринчи навбатда, мамлакатимизда барқарор юқори ўсиш суръатлари таъминланаётгани, шунингдек, амалга оширилаётган таркибий тўб ўзгаришлар, иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, саноатнинг жадал ривожланиши, нефть-газ ва бошқа хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича энг илғор технологиялар билан жиҳозланган замонавий ҳамда қудратли газ-кимё комплексини шакллантириш билан боғлиқ.

Бу борада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистонда сўнгги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётганини таъкидлаш кифоя, деб ўйлайман.

2000-2013 йилларда бу кўрсаткич 3,8 баробар, ялпи маҳсулот эса аҳоли жон бошига 3,2 баробар ўсди.

Халқаро молия институтларининг баҳоларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг бундай юқори ўсиш суръатлари яқин истикболда ҳам сақланиб қолади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, саноатнинг юқори даражада жадал ривожланиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган талаби 2030 йилда жорий йилга нисбатан 2 баробар ошади ва 105 миллиарддан зиёд киловатт-соатни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг қуёш энергетикаси борасидаги салоҳияти ва мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш истикболлари ҳақида гапирганда, қуйидаги фикрларни таъкидлашни истардим.

Биринчи навбатда, Ўзбекистон географик ўрни ва иқлим шароитларига кўра бунинг учун ғоят қулай имкониятларга эга.

Ўзбекистонда ҳаво бир йилда 320 кундан зиёд очик бўлиб, мамлакатимиз йил давомида қўшли кўнларнинг қўпчилиги бўйича дунёнинг аксарият минтақаларига нисбатан устуңлиқка эга.

Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки хулосаларига кўра, Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентидан ортиқдир.

Ана шу ресурслар ҳисобидан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатимизда жорий йилда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин.

Мамлакатимизда қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар ўтган асрнинг 80-йилларида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Осиё минтақасида ягона ва илмий ишланмалари юртимиздан ташқарида ҳам машҳур бўлган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий-экспериментал маркази ташкил этилганидан кейин жадал ривожлана бошлади.

Бугунги йиғилиш иштирокчилари Форум дастури доирасида ушбу марказ фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Мазкур илмий мажмуа таркибидаги 1 мегаватт қувватга эга бўлган гелиоэнергетикаторли улкан қуёш печи 3 минг даражали иссиқ ҳарорат ҳосил қилиш ва ўта соф материаллар ишлаб чиқаришни таъминлаш, ноёб илмий тадқиқотлар ва иссиқликка оид синовлар ўтказиш имкониятига эга.

Ўзбекистон бугунги кунда илмий-техник, эксперимент ўтказадиган кадрлар бўйича улкан салоҳиятга эга бўлиб, мамлакатимизда қуёш энергиясини лойиҳалаштириш ва ундан фойдаланиш бўйича катта таҷмадан жорий қилинган ва технология ишланмалари ҳақида.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ҚЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Жорий йил 25-26 ноябрь кунлари
Туркменистон Президенти
Гурбангули Берdimухамедов
расмий ташриф билан Ўзбекистон
Республикасида бўлади.

Тарихий ва маънавий илдишлар муштараклиги, маданият, урф-одат ва анъаналар, қардошлик алоқалари, тили ҳамда менталитетидаги яқинлиқлар боғлаб турадиган Ўзбекистон ва Туркменистон кўп асрлик дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, икки халқнинг умумий манфаатлари асосида ўзаранинг замонавий муносабатларини бунёд этмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг бундан олдинги расмий учрашуви 2012 йилнинг октябрида Ашхободда бўлиб ўтган эди. Мазкур учрашув чоғида томонлар ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтиришга бўлган иштирокини тасдиқлаганлари ҳолда эришилган келишувларни самарали амалга ошириш мақсадида давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада биргаликдаги савий-ҳаракатлар механизмларини изчил ривожлантириш тамойилларига содиқ эканликларини қайд этдилар.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги анъанавий дўстона алоқаларда янги кўтаринкилик кузатилаётгани баробарида икки томонлама шерикликнинг ҳолати ўзининг ўсувчанлигини намойён қилмоқда.

Шак-шубҳа йўқки, икки мамлакат етакчилари ўртасидаги илиқлик ва ўзаро ишончга асосланган муносабатлар давлатларимизаро алоқаларнинг олдинга қараб интилувчан ва самарали тараққиётга қўмаклашаётган энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Конструктивлик ва истикболли мўлжаллаш, ҳар икки томонда мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда аниқ-равшан натижаларга эришиш мақсадини кўзлаш икки қўшни давлат мулоқотларининг ажралиб турадиган хусусиятлари бўлиб қолди.

Икки томонлама муносабатларнинг кенг қўламли кун тартиби жўғрофий, геосиёсий ва маданий-гуманитар омиллар, шунингдек, икки давлат иқтисодиётларининг бир-бирини тўлдирувчанлиги ҳамда Ўзбекистон ва Туркменистон корхоналари ўртасидаги кооперацияга хос яқин алоқалар билан ўзаро боғланган.

Тошкент ва Ашхобод минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, афгон инқирозини ҳал этиш, халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик сингари хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш масалаларида ўхшаш қарашларга эга.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўрта Осиёдаги сув-энергетика муаммоси масалалари юзасидан уларнинг минтақа барча мамлакатлари манфаатлари ва розилиги ҳисобга олинган ҳолда умум миқёсда эътироф этилган меъёр ҳамда тамойиллар асосида кўриб чиқишлигини назарда тутадиган муштарак нуқтаи назарларга таянади.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг ҳам қўламли кенгдир. Ҳар икки мамлакатда нефть-газ жабҳаси юқори суръатлар билан ривожланмоқдаки, бу уларга табиий газ қазиб оладиган ва уни транспортда ташийдиган етакчи мамлакатларнинг сафидан жой олиш имконини бermoқда. Муҳим стратегик хом-ашё экспорти йўналишини диверсификациялаш имконини берган Туркменистон-Ўзбекистон-Қозғистон-Хитой транс-миллий газ қувури қурилиши бўйича лойиҳанинг амалга оширилиши бу соҳадаги самарадор меҳнатнинг яқол тасдиғи ҳисобланади.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий кооперациянинг муҳим йўналишларидан яна биридир. Мамлакатларимизнинг ривожланган транспорт-коммуникация тизими учинчи мамлакатлар учун транзит ҳисобланади. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркменистонда транзит соҳасида улкан салоҳиятнинг мавжудлигидан далolat бергани баробарида минтақаларо ва қитъаларо халқаро савдонинг ҳамда кенг қўламли сармоявий ҳамкорликнинг ривожланишида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда «Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон» янги халқаро транспорт-коммуникация йўлагини бунёд этиш бўйича Ашхободда имзоланган Битимнинг тарихий аҳамиятини қайд этиш жоиз. 2010 йил октябрь ойида Туркменистонга буюрган расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исломо Каримовнинг ташаббуси билан мазкур йўлакни яратиш тўғрисидаги келишувга эришилган эди.

(Давоми 3-бетда)



Мазкур тадбирнинг ўтказилиши Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши-нинг 2010 йил май ойида Тошкентда ўтган йиллик мажлисида илгари сурилган Осиё минтақасида қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича Осиё тараққиёт банки ташаббуси доирасида эълон қилинган эди. Осиё қуёш энергияси форумининг мазкур йиғилишида Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларидан қарийб 300 нафар халқаро молия институтлари, компания ва корпорациялар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исломо Каримов Осиё қуёш энергияси

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ СИМПОЗИУМЛАР САРОЙИДА 22 НОЯБРЬ КУНИ ОСИЁ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ФОРУМИНИНГ ОЛТИНЧИ ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

форумининг олтинчи йиғилишида нутқ сўзлади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишхотлар барқарор ривожланаётган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда кенг эътироф этилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» бу борадаги ишларда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу моделнинг асосий мақсади кучли миллий иқтисодиётни ташкил этиш, янги юқори технологияли корхона ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун ресурсларни тежаш имконини берадиган замонавий технология ҳамда услубларни жорий қилишдан иборат. Шу боис ёқилғи-

энергетика комплексини ривожлантириш, жумладан, ресурсларни тежандиган янги технологияларни жорий этиш ҳисобидан тараққиёт эътириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мамлакатимизнинг тўла энергетика мустақиллигига эришгани ҳам ушбу йўналишдаги ишлар юксак самаралар бераётганидан далolatдир.

Осиё тараққиёт банки президенти Тахехико Накао ўз нутқида Ўзбекистон Марказий Осиёда қуёш энергиясини ривожлантириш борасида етакчи мамлакат бўлиши учун зарур улкан ер ресурслари, қўшли кўнларга, юқори малакали ва билимли инсон ресурсларига эга эканини таъкидлади. Шу боис қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш икки томонлама ҳамкорликнинг истикболли йўналишларидан биридир.

(Давоми 2-бетда)



ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ — КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОСИЁ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ФОРУМИНИНГ ОЛТИНЧИ ЙИГИЛИШИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бириктирилган негизда Осие тараққиёт банки билан ҳамкорликда жорий йилда Тошкентда ташкил қилинган Халқаро қуёш энергияси институтининг илмий ва илмий-экспериментал тадқиқотлар ўтказиладиган минтақавий марказга айланиши кўзда тутилмоқда. Мазкур тадқиқотлар натижалари қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича истиқболли технологиялар сифатида жорий этилиши мумкин.

Ўзбекистон Осие тараққиёт банки билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга бўлган қуёш фотозлектр станциясини қуриш бўйича пилот лойиҳани амалга оширишга киришди. Қисқа муддатда унинг лойиҳа-техник ҳужжатлари тайёрланди, 400 гектардан ортиқ ер майдони ажратилди, объект қурилишини бошлаш билан боғлиқ деярли барча масалалар ҳал этилди.

Биз келгусида юқори самара берадиган, янги технологияларга асосланган яна бир нечта йирик қуёш электр станциясини барпо этишга кирилишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозирги вақтда шу мақсадда Осие тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг 6 та ҳудудидан энг замонавий ўлчаш станциялари жойлаштирилди ва ҳар томонлама пухта ишланган лойиҳаларни тайёрлашда зарур бўладиган барча маълумотларни йиғиш ишлари олиб борилаётган. Ўзбекистон фотозлектрлик модуллар ва қуёш энергетикасида қўлландиган бошқа ускуналарни ишлаб чиқариш учун бой хом ашё захираларига эга эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Ўтган йили мамлакатимизда Жанубий Кореянинг «Неолант» компанияси билан ҳамкорликда йиллик қуввати 12 минг тоннани ташкил этадиган техник кремний ишлаб чиқарадиган завод фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда «Ангрен» маҳсус индуст-

риал зонасида Кореянинг «Шиндонг Энерком» компанияси иштирокида йиллик қуввати 5 минг тонна бўлган кремний ишлаб чиқарувчи иккинчи завод қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Келгусида ушбу маҳсулот юқори самарали фотозлектрлик қуёш панеллари ишлаб чиқариш учун хом ашё манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хитой Халқ Республикасининг йирик компаниялари иштирокида 2014 йилда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида дастлабки қуввати 50 мегаватт бўлган фотозлектр панеллари ишлаб чиқарадиган, «Жиззах» маҳсус индустриал зонасида эса йилига 50 минг дон қуёш иссиқлик коллекторлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этилади.

Ўзбекистонда маиший ва уй-жой-коммунал соҳада, хусусий уйларда қуёш энергиясидан фойдаланишни кенг жорий этишга, бу борада зарур ишлаб чиқариш ва сервис имкониятларини шакллантиришга катта эътибор қаратилаётган.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, бундай технологияларни кенг миқёсда қўллаш яқин йилларда юртимиз энергия тизимидаги тушадиган энергия юқини 2 миллиард киловатт-соатга қисқартириш, локал тарзда қарийб 2 миллион гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришни таъминлаш имконини беради. Бу эса йилига жами 250 миллион доллардан ортиқ қийматдаги энергия ресурсларини тежашни таъминлайди.

Мамлакатимизда Осие тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Кишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш дастури доирасида ҳар йили намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,5 миллион квадрат метрдан зиёд бўлган 10 мингдан ортиқ яқка тартибдаги замонавий уй-жойлар барпо этилаётганига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мазкур дастур доирасида биз техник жиҳатдан илгор, қуёш энергетикаси технологиялари қўлланган, юқори энергия самара-

дорлигига эга бўлган уй-жойларни дунёдаги, жумладан, Европа ва Осиёдаги бу соҳада энг тараққиёт этган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, оммавий равишда қуришни кўзда тутмоқдамиз.

Биз яқин йиллар мобайнида асосан узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги 1300 та умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларини тажриба тариқасида қуёш коллекторлари билан таъминлашни режалаштирмоқдамиз. Кишлоқ жойлардаги 600 дан ортиқ врачлик пунктларида фотозлектрлик панеллар ўрнатилди.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, бир хулосани таъкидлаб айтишга барча асосларимиз бор. Яъни, **бугунги босқичда қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммоси илмий тадқиқотлар ва тажриба-синов ишланмалари соҳасидан уларни амалиётда қўллаш соҳасига барқарор суръатда ўтиб бормоқда. Қуёш энергетикаси эса, қайта тикланадиган энергиянинг бошқа турлари каби, тўлиқ рақобатдош, энергиянинг, энергия олиш усули ва воситаларининг энг соф турларидан бирига айланмоқда.**

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, мана шу мухташам залда йиғилган сиз азизларга, сизларнинг тимсолингизда замонавий тараққиётнинг юксак ва олижаноб мақсадлари йўлида қуёш энергиясидан фойдаланиш ишига муносиб ҳисса қўшаётган барча инсонларга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Хурматли дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Мамлакатимизда қисқа муддат меҳмон бўлишингизга қарамадан, ўзбекона меҳмондўстлигини, халқимизнинг сизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини ҳис этасиз, деб ишонаман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, Осие қуёш энергияси форуми йиғилиши ишига муваффақият тилайман.



(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан, айниқса, қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида бой тажриба тўпланди. Серқуёш ўлкамизда йилнинг 320 кундан кўпроғида қуёш чараклаб туради. Қуёш энергиясининг йиллик салоҳияти эса нефть эквивалентига 51 миллиард тоннадан ошди. Бу қуёш энергиясидан электр энергияси ишлаб чиқариш, иссиқ сув ва иситиш тизими билан таъминлаш, қудуқдан сув олиш ва уни чучуқлаштириш, мева-сабзавотларни қуриштириш ҳамда бошқа қўллаб мақсадларда кенг қўлдан фойдаланиш имконини беради.

Махсусда Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш катта истиқболга эга экани ва бу борада самарали илмий тажриба тўплангани таъкидланди.

Мамлакатимизда қуёш ва биогаз энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда ундан фойдаланиш учун зарур қўл тarmoқли илмий тажриба ва моддий-техник база самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида қуёш энергиясини янги ўтказадиган фотозағартиригиларни ишлаб чиқиш ва уларнинг назарий асосларини яратиш, турли мақсадларга мўлжалланган биоэнергетика манбалари, қурама гелиотехник қурилмалар, мустақил таъминот манбаларини лойиҳалаштириш, юқори ҳароратли гелиоматериал-шунослик соҳасида илмий мактаблар шакллантирилган.

Президентиимизнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини фаоллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қарорда саноат тармоқлари, шу жумладан энергетика соҳасида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга доир муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Обод турмуш йили» Давлат дастури, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида энергия тежасидан тизимларни жорий этиш, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу ва бошқа дастурий ҳужжатлар энергия истеъмолчи соҳасида юзага келаётган қатор масалаларни ҳал этиш, ноанъанавий энергетика ресурслари, жумладан, қуёш энергиясидан кенг қўлдан фойдаланиш учун янги имкониятлар яратиш, қуёш панеллари учун тегишли ускуналар, бўтловчи ва эҳтиёт қисмларни саноатлаштирилган ҳолда ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда қўллаб-қўлланганимиз ишлаб чиқарувчилар ва етказиб бериувчилар фаолият кўрсатмоқда. «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бириктирилган, «Эко-энергия» илмий-тадқиқот маркази, «Mir Solar» масъулияти чекланган жамияти ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўлланилмоқда. Уй-жой коммунал хўжалиқда қуёш энергияси элементларини жорий этишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Чунинчи, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган айрим-айрим қуёш ва шамол энергиясидан ишлайдиган гибрид тизимлар ўрнатилмоқда. Яқин келажада мамлакатимизнинг бориш қийин бўлган туманларида жойлашган умумтаълим ва касб-ҳунар ўқув муассасаларини ҳам қуёш энергияси элементлари билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

100 МВт қувватга эга қуёш фотозлектр станциясини лойиҳага билан танишиш мақсадида Самарқанд вилоятига таширф буюрган форум иштирокчилари ҳам бундай технологиялардан фойдаланиш яхши самара беришини қайд этди. Улар мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш соҳасидаги мавжуд имкониятлар ва олимларимизнинг бу борадаги энг сўнгги ютуқларини юксак баҳолади, Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан самарали ҳамкорлик қилаётганини таъкидлади.

Корея Республикаси савдо, саноат ва энергетика вазирининг биринчи ўринбасари Хан Чжин Хён Корея Республикаси Ўзбекистонда Сурғил кони базасида Устойр газ-кимё комплексини қуриш ва «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантиришга оид муҳим инвестиция лойиҳалари ва дастурларини

амалга оширишда иштирок этаётганини таъкидлади. Мамлакатимиз муқобил энергия манбалари соҳасида катта салоҳиятга эга экани эътиборга олиниб, қуёш энергетикасини ривожлантириш, шу жумладан қуёш электр станцияларини бунёд этиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бириктирилган Физика-техника институти олимларининг ишланмалари форум иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Бу ерда қаттиқ жисм назарияси, юксак технологиялар ва ярим ўтказгичлар, қуёш энергиясини ўзгариштириш физикаси соҳасида илмий изланишлар олиб борилаётган. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган Халқаро қуёш энергияси институти ташкил қилишга оид қарорига мувофиқ, Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бириктирилган негизда Осие тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтилари иштирокида Халқаро қуёш энергияси институти ташкил этилди. Қуёш энергиясидан саноат қўлимида фойдаланиш соҳасида юқори технология ишланмаларни амалга ошириш, илгор ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва иқтисодий соҳада қуёш энергияси имкониятларидан амалий фойдаланиш бўйича тақлифлар тайёрлаш мазкур илмий даргоҳнинг асосий фаолият йўналишларидандир. Шунингдек, қуёш энергетикасини иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланиш, шу жумладан маҳсул материалларини синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини қўллаш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш, қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш ҳам институтининг вазифаларини сирасига кирди.

Олимларимизнинг юқори ҳароратли материалшунослик соҳасидаги ютуқлари ҳам форум қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Экспертлар Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган 1 МВт иссиқлик қувватига эга катта қуёш печи барпо этилган «Қуёш» объектини бориб кўрдилар. «Физика-Қуёш» мажмуининг ушбу ноёб базаси қуёшни ҳар томонлама қулайлиқ, назарий ва тажриба тадқиқотлари билан шуғулланиш имконини беради.

— Ўзбекистон қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида улкан салоҳиятга эга, — деди Бранденбург институти президенти, профессор Клозе Эдгар (Германия). Ўзбекистон илмий тадқиқотлар ўтказиш ва қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илгор тизимлар ишлаб чиқариш имконини берадиган технологик база мавжуд. Ҳамкорлигимиз йўлга қўйилган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бириктирилган бириктирилган негиздан сўнг бунга яна бир бор амин бўлдим. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда кейинчалик бошқа мамлакатларда ҳам жорий этиш мақсадида қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқмоқдамиз.

Халқаро экспертлар қуёш энергетикасини ривожлантириш истиқболлари ва ушбу соҳадаги технологияларини тараққиёт этириш борасидаги сўнгги тенденциялар ҳақида атрофлича сўз юритди. Жумладан, Севилья университети профессори Эдуардо Галваннинг (Испания) фотозлектрлик технологияларини ривожлантириш тенденциялари, интеграция ва таҳдидлар масалалари, Европа қуёш иссиқлик энергияси уюшмаси бошқаруви директори Марсел Биалининг (Бельгия) қуёш иссиқлик энергиясининг истиқболлари, «Solar Technology Advisors» компанияси бош директори Йорге Сервертиннинг (Испания) Ўзбекистонда қуёш энергетикасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, «Алстом» компаниясининг стратегия ва бизнесни ривожлантириш бўйича менежер Паоло Монтресоринг КСЭ электр энергиясининг муҳим аҳамиятига доир маърузалари тингланди.

Осие қуёш энергияси форумининг ялпи мажлисида сўзга чиққан Халқаро қуёш энергияси институти директори Алим Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти Саъдулла Лутфуллаев ва бошқалар Ўзбекистон олимларининг муқобил энергия манбаларини, шу жумладан, қуёш энергиясини ривожлантириш соҳасида катта ютуқлари ва ноёб ишланмаларини қайд этди.

Осие қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши ўз ишчи секцияларга бўлинган ҳолда давом эттирди.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАКЕХИКО НАКАОНИНГ НУТҚИ

Мухтарам Президент Жаҳонбади!

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Осие тараққиёт банки, Осие қуёш энергияси форуми йиғилиши иштирокчилари номидан Ўзбекистон раҳбариятига ушбу тадбирнинг юксак савияда ташкил этилгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар. Шунинг таъкидлаш кераки, бундай нуфузли анжуман Марказий Осиёда илк бор ўтказилмоқда.

Ўзининг буюк мутафаккирлари, қадимий тарихи ва бой маданияти билан дунёга машҳур Ўзбекистонга ташриф буюргангиздан фойдаланишга катта қизиқиш билан қўлдан келгусида қўллаб-қувватлайди. ОТБ томонидан Ўзбекистонга ажратилган кредитлар умумий ҳажми банкимиз мамлакатинида фаолият кўрсатишни бошлаган 1996 йилдан буён 3,9 миллиард долларга етди. Сўнгги йилларда ОТБ ўз суверен операцияларига қўшимча равишда хусусий секторга оид янада самарали операциялар дастурини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон билан замонавий таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари, ҳудудий алоқалар, савдо ва транзитни ривожлантириш имконини берадиган автомобиль йўллари ва темир йўл инфраструктурасини модернизация қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш хусусида хусусий сектор улуғлигини ошириш, Кишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича комплекс дастур, замонавий ҳамда самарали энергетика секторини институционал ривожлантириш ва тақомиллаштириш каби соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлигининг самаралари Ўзбекистонда ташкирда ҳам яхши маълум. Ўзбекистон ва ОТБнинг биргаликдаги савй-ҳаракатлари самарасида Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳажми ошди. Бунинг натижасида Мозори Шариф ва Қобул аҳолиси электр энергияси билан барқарор таъминланди. Шунингдек, трансчегаравий транспорт алоқаси кучайтирилди. Жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Хайратон орқали Мозори Шарифга-ча темир йўл линиясини қурди. Қуёш энергетикасини ривожлантириш ҳам ОТБ ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг яна бир муҳим йўналишидир.

Табиий газ, нефть ва қўмир каби анъанавий таъбиий ресурслар захиралари чекланган. Ушбу ресурслардан электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида атмосферага захарли чиқиндилар, жумладан, бу газлари чи-

қарилмоқда. Бу эса экологик тоза ва чексиз салоҳиятга эга қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланишни тақозо этади.

Шу сабабли биз энергияга нисбатан тобора қамайиб бораётган эҳтиёжни экологик тоза ресурслар, хусусан, қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан таъминлашимиз лозим. Шу муносабат билан мен Ўзбекистоннинг Президент Ислам Каримов раҳнамолигидаги раҳбариятига энергия самарадорлигини ошириш, шунингдек, қуёш энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни янада тизимли равишда қўллаб-қувватлаётгани учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этмоқчиман. Зеро, углеводород хом ашёсига бой Ўзбекистонда бундай чора-тадбирларни амалга ошириш биринчилардан бўлиб бошлангани таҳсинга лойиқдир.

Ўзбекистон ҳукумати 2010 йилда ОТБнинг кредит шаклида ажратилган 350 миллион доллар ҳажмидаги қўмағи билан юқори технологияли буғ-газ турбиналарини жорий қилишга асосланган ҳолда энергия ишлаб чиқарадиган Талимаржон иссиқлик электр станциясида лойиҳани амалга оширишга киришди. 2011 йилда ОТБ Ўзбекистонга ўз энергетика ресурслари қўмағида янада самарали фойдаланишга қўмақлаш мақсадида электр энергиясини автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий этиш учун 150 миллион доллар ҳажмида кредит ажратди. Яқин вақт ичида Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуига қайта тикланадиган энергия манбаларини ҳам қўллашди.

Осие тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 2010 йил Тошкентда ўтказилган 43-йиллик мажлисида Қуёш энергияси бўйича Осие ташаббуси бошлангани эълон қилинган эди. Бундай баёнотни қабул қилиш учун Тошкентнинг танлангани беҳиз эмас. Серқуёш Ўзбекистон кенг ҳудудга ва юқори малакали мутахассисларга эга мамлакат бўлгани бис минтақада қуёш энергетикасини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон учун қуёш энергетикасини кенг қўлдан ривожлантириш соф энергия билан таъминлаш, шунингдек, юқори малакали иш ўринларини ташкил қилиш, тадқиқотлар ўтказиш, қуёш энергетикасининг илгор тизимларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича технологиялар марказга айланиш имконини беради.

Ўзбекистон ҳукумати ва ОТБ қуёш энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик доирасида айнан шундай комплекс ёндашувни кўзда тутди. Биринчи йўналиш — бу техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган кенг қўламли қуёш энергетикаси лойиҳа-

ларини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. ОТБ ушбу мақсадларга эришишда техник жиҳатдан қўмақлашди ва Ўзбекистонда катта ҳажмдаги қуёш энергияси салоҳиятидан фойдаланиш имкониятига эга олтиладан зиёд участка аниқланган қўнақлари ҳолдир. Махсус қатнашчилари Паркент туманидаги Халқаро қуёш энергияси институтини бориб кўриш имкониятига эга бўлди. ОТБ қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича ўзининг иккинчи йўналишини доирасида ушбу институти ташкил этишда техник ёрдам кўрсатди. Бу йўналиш тегишли илмий тадқиқотларни рағбатлантирадиган ва инсон ресурсларини ривожлантирадиган институти ташкил қилишдан иборатдир. Мазкур институт кенгайиб, қуёш технологияси соҳасида тажриба алмашиш бўйича йирик марказга айланишига ишонамиз.

Инновацион молиялаштириш ва хусусий сектор иштироки Ўзбекистонда қуёш энергетикасини тез ва барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу жараёнда хусусий секторнинг иштироки узоқ муддатли истиқболда қўшимча маблағ жалб қилиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш бўйича инновацион усулларни жорий этишга хизмат қилади.

Осие қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида Марказий Осиёда илк бор турли халқаро молия институтилари вакиллари, шунингдек, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар делегациялари иштирок этмоқда. ОТБ 2010 йилдан буён Осие қуёш энергияси форумини Манила, Токио, Бангкок ва Жодхпурда ўтказган. Бу учрашувлар Осиёда қуёш энергияси салоҳиятига тааллуқли зарур маълумотлар, мавжуд технологиялар, лойиҳалар қиймати ва қуёш энергетикасини ривожлантиришга қаратилган сиёсат йўналишларини аниқлаб олиш имконини берди.

Форумнинг бугунги йиғилиши алоҳида аҳамиятга эга эканининг яна бир сабаби бор. Биз Ислам тараққиёт банки ва Африка тараққиёт банкни Қуёш энергияси форумида илк бор иштирок этаётгани билан табриқлаймиз. Африка ҳам яқин йиллар ичида қуёш энергетикасини ривожлантириш борасида йирик иштирокчига айланади, деб умид қиламиз. Осие ва Африканинг айрим минтақаларида қуёш энергетикасини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар мавжуд. Бу Осиёга ҳам, Африкага ҳам мазкур соҳада ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

Президент Ислам Каримовга Осие қуёш энергияси форумининг олтинчи мажлиси юксак савияда ташкил этилган учун яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Самарали ва конструктив ҳамкорлик йиллари давомида икки давлатнинг барча соҳалардаги кўп қамровли ҳамкорлиги йўлидаги муносабатларини тартибга солидиган, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган 150 дан зиёд ҳужжат имзоланди.

2011 йили Савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисидаги Ҳукуматлараро битимнинг имзолангани минтақавий шериклиқнинг ривожланишида жуда муҳим воқеа, ва албатта, иқтисодий йўналишда икки мамлакат муваффақиятли ҳамкорлигининг яққол далили ҳамда ўзаро савдо-иқтисодий фаолиятни кенгайтириш учун кучли туртки бўлди.

Мамлакатимиздан Туркманистонга экспорт тизимини минерал ўғитлар, хизматлар, сархил ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, тош ҳамда гипсдан тайёрланган буюмлар, транспорт воситалари, механик ва электр ускуналари, қора ҳамда рангли металллар ва улардан тайёрланган товарлар, қурилиш материаллари, ойна ҳамда бошқа маҳсулотлар ташкил этади. Ўзбекистоннинг Туркманистондан импорти эса қайта ишланган нефть, ёғ ва ўсимлик мойи, пластмасса ҳамда қимёвий маҳсулотлардан иборатдир.

Республикаимиз ҳудудида туркман капиталли иштирокидаги тўққизта корхона фаолият кўрсатмоқда, жумладан, уларнинг иккитаси 100 фоизлик хориж маблағи асосида ташкил этилган. Туркманистон ҳудудида эса Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида ташкил топган олтига объект иш олиб бормоқда.

Ўзоқ йиллардан буюн Ўзбекистон ва Туркманистон маданий-гуманитар соҳадаги икки томонлама ҳамкорлиқни

қўллаб-қувватлаб келмоқда ва ривожлантирмоқда. Икки мамлакат маданият вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида биргаликда таниқли расомлар асарларининг кўргазмалари ўтказилмоқда, халқ амалий санъати вақиллари ва хунарманд усталар ярмаркаларда қатнашмоқда, мусиқа ва театр жамоаларининг ижодий сафарлари уюштирилмоқда. 2012 йилнинг декабрида Тошкентда Туркманистон расомларининг кўргазмаси муваффақият билан ўтказилди. 2013 йил августида Туркманбонши шаҳрида иқтидорли болаларнинг «Аваза – дўстлик ўлкаси» халқаро фестивалида Ўзбекистон делегацияси ҳам

айланган. Масалан, статистик маълумотларда қайд этилишича, Ўзбекистонда қарийб 170 минг нафар туркман яшайди. Туркман миллатига мансуб 8 минг нафардан зиёд болалар туркман тили ўқитиладиган 46 та мактабда тахсил олмақда. 24 та мактабда эса таълим тўласинча туркман тилида олиб борилади.

Мамлакатимизда еттита туркман миллий маданий маркази иш юритмоқда. Уларнинг фаолияти эса Республика туркман маданият маркази томонидан мувофиқлаштирилмоқда.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам ҳаётга муваффақиятли тадбиқ қилинаётир. 2011 йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Туркманистон Миллий кутубхонаси ўртасида имзоланган Ўзаро англашув меморандуми халқаро китоб алмасуви бўйича алоқаларни кучайтириш, замонавий кутубхона технологияларини ўрганиш ҳамда амалиётда қўллаш, шунингдек, ўзаро тажриба ва илмий ишланмаларни алмашишда янги имкониятларни яратди.

Икки мамлакат халқлари ўртасида тарихан қарор топган дўстона алоқалар замирини маданиятлар муштараклиги, бир-бирини тўри тушуниш ва ўзаро ишонч ташкил этади. Ана шундай омилларнинг мавжудлиги боис Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тинчлик таъминланмоқда.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига буюражак расмий ташрифи икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга янги туртки беради.

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

қатнашди, 2013 йилнинг сентябрида эса Хивада Республика туркман маданият маркази томонидан туркман шоири Махтумқули таваллудининг 290 йиллигига бағишлаб юбилей тадбири ташкил этилди. Туркманистон санъат усталари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиши баробарида совринли ўринларни ҳам эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон ва Туркманистонда миллатлараро ҳамжиҳатлик, тарихий ватани ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган барча халқларнинг вақилларига нисбатан ҳурмат таъминланмоқдаки, бу ҳар икки мамлакатда яхши аънаъага

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ — МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Тошкентда «Ижтимоий, гуманитар ривожланиш соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуманини ўтказишдан асосий мақсад нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш бўйича тажриба алмашиш ва тақлифлар ишлаб чиқиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш жараёнида ННТларнинг роли ҳамда аҳамиятини кучайтириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақидаги кенг қўламли ва ҳолис ахборотни халқаро ҳам-жамиятга етказишдан иборат.

Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, қатор вазирлик ва идоралар томонидан ЁХНТнинг Ўзбекистондаги лойиҳаларни мувофиқлаштирувчиси, Ф.Эберт номидаги жағмарга (ГФР), БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Халқаро нотижорат ҳуқуқи маркази (АҚШ) томонидан ташкил этилди.

Конференцияда халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТД, ЮНЕСКО, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ва бошқа ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вақиллари, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Россия, АҚШ, Франция, Япониядан экспертлар, миллий мутахассислар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, жамоат тузилмалари, республика ҳамда ҳудудий ННТ ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси раиси А.Саидов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов ва бошқалар ННТларни ривожлантириш, давлат ва жамиятни бошқариш, мамлакатимизни демократик янгилашда уларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини изчиллик билан ошириш борасида Ўзбекистонда тўплаган бй тажриба ҳақида сўз юритди.

Аҳоли кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланаётган ва халқимиз тарихидан кенг ўрин олган мустақил ҳамда барқарор фуқаролик институтлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётгани, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши, ижтимоий, социал-иқтисодий фаолияти ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Бунда Президентимиз Исрол Каримов томонидан илгари сурилган «Қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари» тамойилнинг изчил амалга оширилиши муҳим омил бўлмоқда. Мазкур тамойилга биноан нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қасаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, жағмармалар ва мустақил оммавий ахборот воситаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг мустаҳкам қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни фаоллаштиришга доир кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, фуқароларга давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи берилган, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти мувофиқлаштирилмоқда, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланмоқда. Бу, ўз навбатида, ННТларни жадал ривожлантириш, уларнинг демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Конституцияимизнинг фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга оид қондаларига амал қилган ҳолда, «Қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари» тамойилни изчил амалга оширишнинг ҳуқуқий, ташкилий асоси бўлган икки юздан зиёд қонун, давлат дастурлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлаш-

малари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоат фондалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида»-ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори мустақил ННТларни ташкил қилиш, ижтимоий ва гуманитар масалаларни ҳал этишда уларнинг ролини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур ҳужжатда вазирлик ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари зиммасига фуқаролик жамияти институтларининг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаровонлигини юксалтириш, мамлакатимизни янада социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилган.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қўшма қарорининг қабул қилиниши натижа-сида бу жараён янада жадаллашди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди.

Буларнинг барчаси давлат бюджетидан «учинчи секторни» қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилаётган молиявий маблағларни очик-ошкора, манзилли ва, энг муҳими, демократик тақсимлашни таъминлашга хизмат қилмоқда, ННТлар фаолиятининг ташкилий-техник ва иқтисодий асосини мустаҳкамлаб, уларнинг барқарор ҳамда мустақил тузилма сифатида янада ривожланишга кўмаклашмоқда. Масалан, 2008-2013 йилларда грант танловларини ўтказиш, субсидиялар ажратиш ва ижтимоий буюртмаларни жойлаштириш орқали фуқаролик жамияти институтларининг турли лойиҳаларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан 28,8 миллиард сўмдан ортиқ маблаг ажратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонунини нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш мақсадида зарур ахборот олиш учун давлат органларига сўров билан муносабат қилиш ҳуқуқи, давлат органларининг гаирқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг гаирқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигиндан) ҳимояланиш ҳуқуқини, жамиятдаги ННТлар мақоми янада мустаҳкамланди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш қончилиги фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга доир чора-тадбирларнинг мантаний давоми бўлди. Мазкур дастурий ҳужжатга биноан «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида»-ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, кенг муҳокама этилди ва қабул қилиш босқичида турибди. Ушбу ҳужжатлар шахсий, ижтимоий ва давлат манфаатлари мувозанатини таъминлаш, давлат ва жамият ишларини бошқариш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш орқали давлат органлари фаолиятининг ошқоралиги ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

«Учинчи сектор» давлат тараққиётида муҳим ўрин тутди, — деди Халқаро нотижорат ҳуқуқи маркази вице-президенти Наталья Боржелли (АҚШ). — Ташкилотимиз дунёнинг ўнлаб давлатларида масъалаҳаларни ўтказди. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, қучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун қудратли ҳуқуқий база мавжуд бўлиши, қўллаб-қувватлаш ташкилотлари сама-

рали фаолият кўрсатиши, давлат ва фуқаролик институтлари ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилиши лозим. Ўзбекистонда ушбу барча йўналишларда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Конференция қатнашчиларининг фикрича, Ўзбекистонда ННТларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган ташкилий-ҳуқуқий чоралар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Масалан, сўнгги уч йилда ННТлар сони 22 фоизга кўпайиб, бугун олти мингдан ошди. Улар таълим, экология, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа қўллаб-қувватлаш фаолият кўрсатмоқда, ижтимоий-гуманитар ривожланишга оид муҳим вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларида қатнашаётган ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, ушбу танловлар қўлиб бўлган ташкилотлар сони сезиларли равишда кўпайиб бормоқда. Жойлардаги ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни ҳал этишда ҳам ННТлар фаоллиги кўнайди. 2012 йилда уч юздан ортиқ республика ва ҳудудий ННТлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этди. Бу 2011 йилга нисбатан икки баробар кўпдир.

Конференцияда сўнгги йилларда ННТларнинг қонунчиликни шакллантириш ва такомиллаштиришда иштирок этаётгани фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни бошқариш масаласида давлат органлари билан ижтимоий шериклигининг кенг тарқалган шакли экани ҳақида ҳам сўз юритилди. Масалан, 2013 йилда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қондаларини ҳаётга таъбиқ этиш доирасида ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳалари жамоатчилик томонидан қарийб қирқ марта муҳокамадан ўтказилди. Уларда фуқаролик жамияти турли институтларининг икки мингдан зиёд вақили иштирок этди.

— АҚШда нодавлат ташкилотлари ижтимоий йўналтирилган турли лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг ишончли ҳамкорлари ҳисобланади, — деди Ж.Хопкинс университети ҳузуридаги Сиёсий тадқиқотлар институтининг Фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази доктори Войцех Соколовски (АҚШ). — Ўзбекистонда ҳам шундай самарали ишлар амалга оширилаётгани таъкидига лойиқдир. Мамлакатимизда ННТлар ўз ташаббусларини рўйбга чиқариш, деярли барча жараёнлар, шу жумладан, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш имкониятига эга.

Миллий экспертлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Экологик ҳаракат, Қасаба-қўшмалик федерацияси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Соғлом аввалдан» — жағмармалари, «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилиги болалар жағмармаси каби ННТлар илгор тажрибага эга эканини қайд этди.

Мисол учун, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш, давлат ҳокимиятининг сайланадиган вақиллик ҳамда бошқа органлари фаолиятида кенг иштирокини таъминлашга улкан ҳисса қўшмоқда. Президентимизнинг 1995 йил 2 март қуни қабул қилинган фармонида мувофиқ, Хотин-қизлар қўмитаси раиси айна пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эса жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари этиб тайинланиши белгиланган. Сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилган.

Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда 2008 йил 2 августда ташкил қилинган Ўзбекистон Экологик ҳаракати катта ҳисса қўшмоқда. Бугун Экологик ҳаракат «Соғлом атроф-муҳит — соғлом инсон» шиори остида

мамлакатимизнинг минглаб фуқароларини ўз сафида бирлаштирган, икки юздан ортиқ ННТлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатларини бугунги ва келажак авлодларнинг қулай атроф-муҳитда ҳаёт кечириш ҳуқуқини таъминлаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, мавжуд табиий ресурсларни ҳимоя қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишга сафарбар этмоқда. Қонунчилик палатасида Экологик ҳаракат аъзоларига ўн бешта депутатлик ўринининг ажратилиши улар фаолиятини янги сифат босқичига қўтариш имконини берди.

Гавр шаҳри университети профессори Пьер Шабалнинг (Франция) сўзларига кўра, Францияда нодавлат ташкилотлари ассоциациялар деб аталади ва уларга мансублик ўзига хос фуқаролик бурчи ва инсоннинг ижтимоий фаоллиқ қўрсаткичи ҳисобланади. «Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий жараёнларида, ҳусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларида бirlлашиш орқали иштирок этиши учун зарур имкониятлар яратиш борасида самарали ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим», деди П.Шабал.

Тадбирда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва рўй бераётган ўзгаришларни ўрганаётган Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳам фуқаролик жамиятини ривожлантириш ишларида фаол қатнашаётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур институт амалга ошираётган мониторинг натижалари фуқаролик жамияти институтларининг нуфузи йил сайин ортиб бораётгани, долзарб социал-иқтисодий ҳақида ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Буларнинг барчаси кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вақилининг ўринбосари Яко Силлерснинг таъкидлашича, Ўзбекистонда давлат ва жамоат ташкилотларининг мамлакатини ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, аҳоли турли қатламлари ҳамда ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги яқин ва самарали ҳамкорлиги юксак самаралар бераётир. Фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликдаги ушбу ижобий жараён бундан буюн ҳам давом эттирилиши гоат муҳимдир.

Тадбирнинг хорижий иштирокчилари фикрига кўра, Ўзбекистонда ННТлар ўзининг катта салоҳиятини намойиш этмоқда, уларнинг фаоллиги ва масъулияти, жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишда давлатнинг тенг ҳуқуқли шериги бўлишга тайёрлиқ даражаси ошмоқда. Анжуман давомида мутахассислар мамлакатимизнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги ютуқлари, ННТларни соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа жаҳвалардаги ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишга қаратилган муҳим дастурларни амалга оширишга жалб қилиш бўйича миллий тажриба билан танишиш имконига эга бўлди.

Амалий мулоқот ва фикр алмашиш руҳида ўтган анжуманда Ўзбекистоннинг ва хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибаси муҳокама этилди. Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва ривожлантиришда бой тажрибага эга экани ҳамда бу бошқа қўллаб-қувватлаш учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган қадим фикрга қелди. Улар мазкур конференция ўз вақтида ўтказилгани ва долзарблигини, Ўзбекистонда ННТлар аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Тадбир аяқларни бўйича тегишли тақиф ва тавсиялар қабул қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА муҳбири

● Бухорода «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия вазирликлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағмармаси, Ўзбекистон Бадийи академияси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 39 нафар иқтидорли ўқувчи ўзаро беллашди.

● Андижонда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган «Ҳуқуқий маслаҳат қуни» тадбири бўлиб ўтди. Унда адлия, прокуратура, ички ишлар тизими ходимлари, касб-хунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари вақиллари иштирок этди. Уч юз нафарга яқин ёшлар қатнашган тадбир ўқувчиларнинг маънавияти ва фаоллигини ошириш, уларда Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғярига садоқат ва қонунга ҳурмат тўғрисида янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

● Чирчиқ ҳарбий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма бир йиллиги муносабати билан ташкил этилган «Конституция — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

● Қарши шаҳрида «Суғориладиган ерларни лазерли технологиялар ёрдамида текислаш» мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда иқлим билан боғлиқ хавфларни бошқариш» лойиҳаси ва Глобал экологик жағмармасининг кичик грантлар дастури ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда соҳа вақиллари, фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

● Бухоро шаҳрида вилоят ҳокимлиги, прокуратураси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 153 корхона, ташкилот ва муассаса 643 бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада 183 нафар фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди.



● Бутунжаҳон банки Филиппинга кўрсатилаётган молиявий ёрдам миқдорини 1 миллиард долларга етказишга қарор қилди.

● Хитойда нефть ўтказигичининг портлаши оқибатида 47 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Латвия пойтахти Ригада Махипа савдо марказининг кулаб тушиши натижасида ҳалок бўлганлар сони 52 кишига етди. Шу муносабат билан мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди. Дастлабки тахминларга кўра, бинонинг кулашига қурилиш меъёрларининг бузилиши сабаб бўлган.

● Япониялик олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, қаҳванинг майда юрак қон томирларини мустаҳкамлаш хусусиятига эга эканлиги аниқланди. Тажриба ўтказилган кишилар бўйича олинган натижалар таҳлил қилинганда, уларнинг жуда майда томирлари анча мустаҳкамлаш, қон айланиши уч баробар яхшиллангани маълум бўлди.

● Нью-Йоркдаги «Sotheby's» аукциониди 1964 йилда ишлаб чиқарилган «Ferrari 250 LM» русумли автомобил 14,3 миллион АҚШ долларига сотилди. Га

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан жорий йилнинг ноябрь ойида «Музейлар ойлиги» ўтказилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи илмий жамоаси томонидан ҳам «Музейлар ойлиги»нинг лойиҳалари ишлаб чиқилиб, жойларда турли тадбирлар уюштирилмоқда.

Кўргазмалар

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Яккасарой туманидаги 91-мактабда мазкур музей, «Хунармад» уюмаси ҳамда Тошкент Давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби ҳамкорлигида ёш рассомлар ва ёш усталар санъат асарларидан ташкил топган «Санъатлар уйғунлиги» деб номланган кўргазма очилди.

— Ўқувчи ёшлар ҳар доим ҳам музейларга ёки кўргазма залларига боришга имкон топа олмайдилар, — дейди Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи кўргазмалар бўлими мудири Гавҳар Жалолова биз билан суҳбатда. — Бундай кўргазмалар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мушаккил фикр юритишга ўргатиш, ён-атрофда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга беофарқ қарамаслик ва энг асосийси, улар онгига моддий-маданий меросимизни асраш туйғуларини шакллантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Шунинг баробарида болаларнинг музейларга бўлган қизиқишларини янада орттириб, касб-хунарга йўналтиради...

Кўргазмада ёғоч ўймакорлиги, сопол буюмлар галереяси, каштачилик, мисгарлик, кулолчилик каби миллий санъат турлари бўйича буюмлар намойиш қилинди.

Дарҳақиқат, мазкур кўргазма фарзандларимизда ота-боболаримиздан бугунги авлодларга ўтиб келаётган анъанавий хунармандчиликка бўлган қизиқишни уйғотишда муҳим аҳамият касб этади.

Кўргазма доирасида ёш, таниқли рассомлар **Х.Мамадалиев**, **Э.Исломшиқовлар** томонидан ўқувчилар учун махсус маҳорат дарслари уюштирилди.

Тошкент Давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчиларининг мусикий чиқишлари ҳам кўргазма иштирокчиларига манзур бўлди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Спорт янгиликлари

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛДИ

Нихоят мухлислари гоҳида қувонтирган, баъзан ранжишларига сабаб бўлган профессионал футбол лигаси XXII миллий чемпионати жамоаларининг жорий йилги мавсуми ҳам якунига етди.

Жорий йилда профессионал футбол лигасида 14 та жамоа ўзаро беллашди. Унда пойтахтимиз шарафини амалдаги мамлакат чемпиони «Пахтакор», Ўзбекистон Кубоги соҳиби «Бунёдкор» ҳамда бронза медали совриндори «Локомотив» жамоалари ҳимоя қилишди.

Умуман олганда, жорий йилда ҳам медаллар учун кураш асосан пойтахт командалари ўртасида кечиши тахмин қилинган эди. Очилишни айтганда, ушбу тахминлар ўзини оқлади. Чунки чемпион номи сўнгги турдагина маълум бўлди. Сабаби, охириг тургача «Бунёдкор» билан бирга «Локомотив» ва «Насаф» чемпионлик учун мurosасиз беллашди.

«Пахтакор» жамоаси эса биринчи даврада йўқотилган қимматли очколар эвазига тўртинчи ўрин билан кифояланшга мажбур бўлди. Охир-оқибатда, сўнгги турда сафардаги ғалабаси эвазига «Бунёдкор» биринчи, «Локомотив» иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Бу жамоалардан бир очкога ортда қолган Қаршининг «Насаф» командасига чемпионатнинг бронза медаллари nasib этди.

Бу мавсумда кучлилар сафини «Гулистон» ҳамда «Шўртан» жамоалари тарқ этишди.

Биринчилиқда тўпурар футболчи бўлиш «Бунёдкор» ҳужумчиси Пишурга nasib этди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Пишур легионер футболчилар орасида ўзининг маҳорати ва тўпурарлиги билан «Бунёдкор» ғалабаларига катта ҳисса қўшди.

Жорий йилда ҳам Ўзбекистон Кубоги соврини «Бунёдкор»-га nasib этди.

Энди мамлакат чемпиони ва биллур соврин соҳиби «Бунёдкор» ва чемпионатнинг кумуш медали совриндори «Локомотив» келгуси йили уюштирилаётган Осиё чемпионати лигаси турнирида юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.



«Локомотив»нинг иккинчи ўрин эгасига айланганлигини клуб тарихидаги ўзига хос қувончли воқеа эканлигини таъкидлаш ўринли. Чунки «Локомотив» шу пайтгача чемпионатда фақат бронза медалларини қўлга киритганди. Ўйлаш мизки, келгуси йили ушбу жамоа чемпионлик учун астойдил курашади.

Биз барча-барчага келгуси чемпионатлар янада қизиқарли ўтишини тилаган ҳолда эътиборингизга турнир жадвалини эълон қиламиз.

ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ							
№	ЖАМОАЛАР	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1	«БУНЁДКОР»	26	19	4	3	59-1361	
2	«ЛОКОМОТИВ»	26	19	3	4	63-21	60
3	«НАСАФ»	26	18	4	4	64-27	58
4	«ПАХТАКОР»	26	17	3	6	45-25	54
5	«ОЛМАЛИҚ»	26	11	7	8	46-43	40
6	«МЕТАЛЛУРГ»	26	10	3	13	36-45	33
7	«БУХОРО»	26	10	3	13	33-44	33
8	«ДИНАМО»	26	8	8	10	28-36	32
9	«НЕФТЧИ»	26	9	3	14	28-31	30
10	«СЎҒДИЁНА»	26	8	4	14	34-54	28
11	«НАВБАХОР»	26	7	6	13	30-48	27
12	«ҚИЗИЛҚУМ»	26	8	1	17	28-48	25
13	«ГУЛИСТОН»	26	6	2	18	28-62	20
14	«ШҲРТАН»	26	4	5	17	22-47	17

ТРАМПОЛИНЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Болгариянинг София шаҳрида трамполин бўйича ёшлар ўртасида уюштирилган жаҳон чемпионати мамлакатимиз спортчиларига омад келтирди.

Трамполиннинг батутдан синхрон сакраш йўналишида омадини синаб кўрган ҳамюртларимиз Самаржон Усмонов ва Моҳирбек Олимжонов жуфтлиги якунда 44,7 балл жамғариб иккинчи ўринга лойиқ кўрилди ва ҳамюртларимизга жаҳон чемпионатининг кумуш медаллари топширилди.

Хитойда спортнинг велопоёга тури бўйича Осиё биринчилиги ташкил этилди.

РУСЛАН — ҚИТЬАДА ИККИНЧИ

Унда қиёматининг кўпгина давлатларидан келган иккитрдои велосипедчилар қатори Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Руслан Каримов ҳам иштирок этди. Қувонарли хижати шундаки, чемпионатга

пукта ҳозирлик кўрган ҳамюртларимиз велосипедчи мусобақаларида маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва Осиё чемпионатининг кумуш медали совриндори бўлди.

Акбар ЙЎЛДШЕВ

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ДОИМО МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТАЙЛИК

Ёнғин хавфсизлиги хизмат ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қондаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштириляпти. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. Тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизматли ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шior ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир. Аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Очиқ алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш.

Электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз ҳолда, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик.

Белгиланган жойларда чекиш.

Юқоридагига ўхшаш қондаларига риоя қилинганда бир фуқаро йилда йикан мол-мулкни, уй-жойини, қолаверса ўзини ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Ҳеч кимга сир эмаски, қуларнинг совиб бориши ҳар бир инсонни хонадонларни иситишга ундайди. Кўплаб фуқароларимиз шу ниятда қўлбола ясалган газ ва электр ускуналаридан фойдаланиб, натижада нафақат уйларида, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолмоқдалар. Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Дарҳақиқат, олов ҳеч кимни ва ҳеч нима аямайди. Ер юзида ҳар қуни содир этилаётган ёнғинлар эса неча-неча инсоннинг ҳаётига зомин бўлиб қолмоқда. Ҳар биримиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз, лекин ҳамма ҳам ундан тўғри фойдаланишни билавермайди. Агар биз қундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиغان бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Баъзилар билиб туриб ўзларини ва мол-мулкни хатарга қўйишади. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганча хавфсизлик қондаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир беғамроқ бекаларимиз эса газ плитасида овқатни унутиб ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар. Ёнғин нафақат уй қурилмалари ва жиҳозларини қулга айлантиради, ушбу офат кўплаб инсонлар ҳаётини, соғлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради. Шунинг учун биз ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари маҳалла фаолларини, барча инсонларни, хонадон эгаларини, фарзандларимизни ҳушёрликка чақирамиз.

**Т.НАЗАРОВ,
ЁХБ 23-ХЕҲҚ бошлиқ
ўринбосари, капитан**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 24 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси бориш тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Юнусобод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 24 октябрдаги 10-1316/13263-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 2-уйда жойлашган, ер майдони 556 кв.м., умумий майдони 326 кв.м. бўлган, кўчмас мулк. Бошланғич нархи — 437 500 000 сўм.

2. Чилонзар туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2012 йил 27 декабрдаги 10-1203/23764-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзар тумани, 19-мавзе, 16-уйда жойлашган, 9 қаватли бинонинг 1-қаватидаги, умумий майдони 1 097 кв.м., фойдали майдони 936,13 кв.м. бўлган, кўчмас мулк. Бошланғич нархи — 1 340 373 000 сўм.

2013 йил 10 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар Миробод тумани СИБ томонидан тақдоран арзонлаштирилган нархларда савдога қўйилган:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мирон шох 7-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 м.кв. бўлган, 1 қаватли, 3та яшаш хонадан иборат уй-жой. Бошланғич нархи — 174 697 828 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 31 майдаги 1-32/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-уйнинг 1/4-қисмида жойлашган, умумий майдони 317 м.кв., фойдаланиш майдони 133,07 м.кв. бўлган, уй-жой. Бошланғич нархи — 222 090 928 сўм.

3. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2012 йил 20 февралдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-уйнинг 1/4-қисмида жойлашган, умумий майдони 317 м.кв., фойдаланиш майдони 133,07 м.кв. бўлган, уй-жой. Бошланғич нархи — 222 090 928 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг подволида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган, 24-сонли автомобиль қўйиш жойи. Бошланғич нархи — 40 346 500 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳафтаининг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР: 207126662. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиали банкнинг Тошкент шаҳридаги туман филиалларига банк соҳасининг турли йўналишлари бўйича олий иқтисодий маълумотга ва Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга эга бўлган мутахассисларни доимий ишга тақлиф этади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,

Бунёдкор шох кўчаси, 6-уй.

Телефонлар: 245-35-44, 245-35-40.

Мурожаат учун телефон: 245-35-44.

Тошкент шаҳар

Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси қуйидаги таълим муассасасида вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимида ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида		
1.	Тошкент туризм касб-хунар коллежи	Юнусобод тумани, 2-мавзе, А. Дониш кўчаси, 28-уй
Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимида		
2.	Тошкент туризм касб-хунар коллежи	Юнусобод тумани, 2-мавзе, А. Дониш кўчаси, 28-уй

Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарларининг малака талаблари: ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажы 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари: касб-хунар коллежининг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, педагогик иш стажы 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1.Суровнома (справка-объективка);
- 2.Таржимаи ҳол;
- 3.Олий маълумоти ҳақида диплом нусхаси;
- 4.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
- 5.Илмий-услубий ишлар ва иштиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
- 6.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
- 7.Паспорт (нусхаси);
- 8.Тавсифнома;
- 9.Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. **Тел:** 252-23-35.

ТХСНБ «Тошшаҳартрансхизмат» (ИНН 202786638. Манзил: А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй) ўз номини УК «Тоштрнсдиспетчерхизмат» қилиб ўзгартираётгани ҳақида маълум қилади.

ТХСНБ «Тошшаҳартрансхизмат»га нисбатан даъволар икки ой ичида кўриб чиқилади. Тел. 236-01-35; 233-80-21.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар санба ва акшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 26 ноябрь куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Гарбдан селкундага 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат

кечаси — 3-5, кундузи — 13-15 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 26 ноябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратилади, тагд миқдори паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1141

Душанба, сешанба, chorшанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8594 нусхада босилди.
Қозғачи А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.10